



TA'LIMDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARI

Xalqaro ilmiy-amaliy anjumani materiallari
(2021 yil 23-aprel)



MODERN INFORMATION TECHNOLOGIES IN EDUCATION

Proceedings of the international scientific-practical conference

(April 23, 2021)

СОВРЕМЕННЫЕ ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБРАЗОВАНИИ

Материалы международной научно-практической конференции

(23-апрель 2021 г)

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**Abdulla Qodiriy nomidagi
JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI**

TA‘LIMDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARI

Xalqaro ilmiy-amaliy anjumani materiallari
(2021 yil 23-aprel)

MODERN INFORMATION TECHNOLOGIES IN EDUCATION

Proceedings of the international scientific-practical conference
(April 23, 2021)

**СОВРЕМЕННЫЕ ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В
ОБРАЗОВАНИИ**

Материалы международной научно-практической конференции
(23-апрель 2021 г)

UO`K: 519.3
KBK: 73(74.202)
E-59

“Ta’limda zamonaviy axborot texnologiyalari” xalqaro ilmiy-amaliy anjumani materiallari to’plami

(Jizzax, 2021 yul 23-aprel, O`zbekiston). - Jizzax. 2021. – 536 b.

“Modern information technologies in education” proceedings of the international scientific-practical conference (Jizzakh, April 23, 2021, Uzbekistan). - Jizzakh. 2021. -536 p.

“Современные информационные технологии в образовании” Материалы международной научно-практической конференции (Джизак, 23 апреля 2021 г., Узбекистан). – Джизак, 2021. -536 с.

MAS`UL MUHARRIR:

Sh.S.Sharipov – pedagogika fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY`ATI:

Yusupov R. – texnika fanlari nomzodi, dotsent

Qodirov G’. – biologiya fanlari nomzodi, dotsent

Botirov D. – texnika fanlari nomzodi, dotsent

Haitov F. – texnika fanlari nomzodi, dotsent

Usmonov S. – iqtisod fanlari nomzodi, dotsent

Parmonov A. - f.m.f.f.d. (PhD)

TAQRIZCHILAR:

S.S. Gulyamov -iqtisod fanlari doktori, akademik

A.T. Shermuxamedov – fizika-matematika fanlari doktori, professor

S.A. Tovboev - texnika fanlari nomzodi, dotsent

To’plam muharrirlari: D.M. Jomurodov, J.M. Majidov, T. Ergashev

Ushbu to’plam Jizzax davlat pedagogika institutida O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 2-martdagi №78-F sonli Farmoyishiga asosan joriy yilning 23 aprel kuni Jizzax davlat pedagogika institutida “Ta’limda zamonaviy axborot texnologiyalari” mavzusida Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallaridan iborat .

To’plamda joy olgan tezislarda keltirilgan ma’lumotlarning to’g’riligiga mualliflar javobgardirlar

The authors are responsible for the correctness of the information contained in the theses included in the collection

Авторы несут ответственность за правильность информации содержащейся в тезисах включенных в сборник

ISBN 978-9943-7210-6-7

© “Ta’limda zamonaviy axborot texnologiyalari”

© Jizzax-2021

эришаётган ютуқларини, спортчиларимизни халқаро миқёсдаги улкан ютуқларини ўзига акс эттирадиган сайтлар фаолиятини янада такмиллаштириш миллий ғоя тарғиботида муҳим рол ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил, 8 феврал.
2. Nabiyeв, M. (2020). Respublika ma'naviyat targ'ibot markazi faoliyatida jamoatchilik bilan aloqalar va uning o'ziga xos xususiyatlari. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
3. Nabiyeв, M. (2020). Globallashuv sharoitida ijtimoiy-ma'naviy qadriyatlarga asoslangan mafkuraviy tarbiyaning ahamiyati. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
4. Nabiyeв, M. (2020). Respublika ma'naviyat targ'ibot markazi faoliyatida jamoatchilik bilan aloqalar va uning o'ziga xos xususiyatlari. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
5. Nabiyeв, M. (2020). Demokratik jamiyatda fuqarolarning daxldorlik hissini shakillantirishda ijtimoiy-ma'naviy qadriyatlarning ahamiyati. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
6. Nabiyeв, M. (2020). Инсон манфаатлари устуворлиги-ижтимоий кадриятлар мезони. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
7. Nabiyeв, M. (2020). Демократик жамиятда ижтимоий-маънавий кадриятларнинг ривожланиш истиқболлари. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Жумаев Жўрабек Бобоқул ўғли

*Жиззах давлат педагогика институти “Тарих ва уни ўқитиши методикаси”
кафедраси*

Abstract: *This article presents the author's views on the role and importance of information technology in the teaching of social sciences and humanities in higher education.*

Аннотация: *В статье представлены взгляды автора на роль и значение информационных технологий в преподавании социальных и гуманитарных наук в системе высшего образования.*

Аннотация: *Мазкур мақолада олий таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ахборот технологияларининг ўрни ва аҳамияти хусусидаги муаллифнинг фикр-мулоҳазалари илгари сурилади.*

Таълим жараёнида ёшларга иқтисодий, сиёсий, маънавий, ғоявий таълим- тарбия ва билим бериш, уларни ҳар томонлама етук, баркамол инсон қилиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Бунда барча фанлар қатор ижтимоий-гуманитар – тарих социология, фалсафа, миллий ғоя, маънавият асослари, этномаданият, диншунослик, педагогика, психология каби фанлар муҳим ўрин юйтади.

Бугунги кунда ушбу фанлар олдида турган муҳим вазифа – ёт ғоя ва мафкуралардан холи бўлган, янгича жаҳон талабларига жавоб берадиган таълим тизимини янада такомиллаштириш, жамиятимизда ва дунёда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ўзгаришларни ёшлар онгига етказиш кабилардан иборат [1].

Олий таълим тизими олдида турган муҳим вазифалардан бири – нафақат мутахассислик фанларидан талабаларга билим бериш, балки жамият ижтимоий-сиёсий

ҳаётида, дунёда содир бўлаётган ўзгаришларни улар онгига етказиш, ўз маънавий-ахлоқий дунёқарашга эга ёшларни тарбиялаш, китоб ўқишга қизиқтириш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини ҳамда янгича дунёқарашни шакллантиришдир. Бу эса ижтимоий-гуманитар фанларни янгича асосда ўқитишни ҳамда янада такомиллаштиришни долзарб масала сифатида кун тартибига қўймоқда.

Бугунги кунда ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда инновацион технологиялар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, у ўқитувчига кўплаб имкониятлар беради ва улар қуйдагилар билан тавсифланади. Яъни:

- ўз касбий фаолиятини тизимли таҳлил этиш;
- ўзгаришлар ва фаолиятга танқидий муносабатда бўлиш;
- ўз касби бўйича янгиликлардан хабардор бўлиб туриш;
- ўз ғоя ва мадсадларини касбий фаолиятда мужассамлаштиришга интилиш;
- педагогик янгиликларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- келгусидаги фаолиятнинг аниқ мақсадни шакиллантириш, уни амалга ошириш ва самарали баҳолаш кабилардир.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти – янгиликларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, келгусидаги фаолиятнинг аниқ мақсадини шакллантириш, уни амалга ошириш ва тўғирлаш имкониятларидир. Бунда ижтимоий-гуманитар фанлар тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни ўқитишнинг муҳим аҳамият касб этиш ҳамда устувор йўналишларни очиб бериш, фанларни ўқитишдаги инновациялар ва илғор хорижий тажрибаларни қиёсий таҳлил этган ҳолда иш олиб боориш талаб этилади.

Таълимнинг барча босқичларида фанни ўқитиш ўз олдига маълум бир мақсад ва вазифалар қўяди. Ўқитувчи ўзи ўқийётган фаннинг таълим тизимидаги ўрни ва ролини, мақсади ва вазифаларини чуқур англаб, тушуниб олиши, “нимани ўқитиш керак, нима учун ўқитиш керак ва қандай ўқитиш керак”, деган саволга концептуал жиҳатдан жавоб бера олиш зарур [2]. Акс ҳолда у мазкур фаннинг шахсни шакллантиришдаги таълим-тарбиявий имкониятларидан тўлиқ ва мақсадга мувофиқ фойдалана олмайди. Бу принципал савол ва унинг жавоби давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг, қолаверса, дарсликларни ҳам мазмун-моҳиятини белгилаб беради.

Шахс жамиятда ўз ўрни ва вазифаларини тушуниб олишда, ҳаётини мўлжалларини ўзининг мақсади ва эҳтиёжларига, имкониятларига мос тарзда тўғри белгилашда ижтимоий фанлар, хусусан, тарих фани муҳим ўрин тутди. Халқимизнинг инсоният цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссасига, жаҳон халқлари орасида тутган ўрнига баҳо беришда, унинг бой ҳаётини ва тарихий тажрибаларидан фойдаланишда, олийжаноб фазилатлари ва анъаналарини ўрганиш ҳамда бойитишда Ўзбекистон тарихи фани бекиёс катта аҳамиятга эга [2].

Бироқ, бугунги замон ҳаёт воқелигига очиқ кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларини тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда.

Ҳозирги кунда маънавият дунёсига нисбатан мавжуд бўлган хавф-хатарлардан, албатта кўз юмиб бўлмайди, лекин шундай бўлсада, халқимиз тарихнинг мураккаб жараёнларида иродаси чиникиб, ҳар қанда хужум ва тазйиқларга қарамасдан, маънавий олами кучайиб ва юксалиб бормоқда[3].

Қатъий эътиқод ва қарашларга эга бўлган, маънавий таҳдидларга ва четдан кўрсатилаётган таъсирларларга қарши туришга қодир бўлган ёшларни тарбиялаш-бугунги даврнинг долзарб талабларидан биридир. Ушбу масалага айна пайтда республикамизда ҳар галгидан ҳам каттароқ аҳамият қаратилмоқда. Ахлоқий маданиятни ва Интернетдан фойдаланиш маданиятини ошириш, паст савияли “оммавий маданият”нинг кириб келишига қарши барча зарурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда [3].

Ўз касбий тажрибаларимиздан келиб чиқсак, бизнинг фикримизча, педагогик технологиянинг энг асосий негизи ўқитувчи ёки талабанинг белгиланган мақсаддан қафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танлаган технологияларига боғлиқ. Ўқитиш жараёнида, мақсад бўйича қафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ёки талаба ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эришса, ўқув жараёнида талабалар мустақил фикрлаб, ижодий ишлаб, изланиб, таҳлил этиб, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса буларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, бизнинг фикримизча, ана шу – ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади [4]. Ўқув жараёнидаги педагогик технология – бу аниқ кетма-кетликдаги яхлитлик бўлиб, у талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган ва қафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараёндир.

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишдан кўзланган асосий мақсад бўлажак фан ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш, ақлий тафаккурини кенгайтириш, уларда фанни ўқитишда замонавий педагогик технологияларни қўллаш учун зарур бўлган методик билим, кўникмаларни шакллантиришдан иборатдир. Ўқув фанларининг вазифаларига эса:

- “Таълим тўғрисида”ги қонунда акс этган вазифаларни амалга ошириш;
- дидактика назарияси билан таълим амалиёти алоқасини таъминлаш;
- талабаларни таълим-тарбия жараёнида педагогик технологияларни қўллашга ўргатиш орқали уларни замонавий таълим технологияларини ишлаб чиқа олиш ва презентация дарсларини юқори савияда ўтказа олишни ўрганиш;
- талабаларнинг педагогик фаолиятга ўз тайёргарлигини таҳлил қилишга ўргатиш, таҳлилий-танқидий, ижодий ва мустақил фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш;
- ижтимоий-гуманитар фанларини ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича дарс ишланмаларини лойиҳалаш кўникмаларини таркиб топтириш;

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, мамлакат тараққиётининг замини, ҳеч шубҳасиз, илм-фан ва инновациялардир. Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йилдаги Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида 2021 йилда илм-фан соҳасида олийгоҳлар ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сони 4,5 мингга етказилиши ёки 2017 йилга нисбатан 3 баробарга оширилишини таъкидлади. Ушбу мақсадлар учун бюджетдан кўшимча 240 миллиард сўм ажратилади [5].

Илғор халқаро амалиёт асосида доцент ва профессор илмий унвонлари, фалсафа ва фан доктори илмий даражаларини бериш ваколоти ўз йўналиши бўйича нуфузли бўлган олийгоҳларнинг илмий кенгашларига ўтказилишининг ўзи ҳам мамлакатимизда илм-фанга юксак эътибор қаратилаётганлигининг яққол тасдиғидир [6].

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда замонавий технологиялар ва дидактик воситалардан фойдаланиш, мустақил таълимни ташкил этиш ва инновацион ёндашув асосидаги таълимдан фойдаланиш кутилган натижани беради, яъни таълим сифат ва самарадорлиги таъминланиб, ҳар жиҳатдан етук кадрларни етишиб чиқишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Халқ таълими” журнали. №1-сон, 2018 йил.
2. “Халқ таълими” журнали. №6-сон, 2017 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг “Мустақиллик – барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир” рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т.: “Ўқитувчи”, 2013.
4. Ақчаев Ф.Ш. Тарих фанини ўқитишда инновацион технологиялар ўқув-услубий қўлланма. Жиззах, 2014.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”газетаси, 2020 йил 30 декабр
6. Nabiyev, M. (2020). Demokratik jamiyatda fuqarolarning daxldorlik hissini shakillantirishda ijtimoiy-ma'naviy qadriyatlarning ahamiyati. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
7. Nabiyev, M. (2020). O'zbekistonda demokratik jamiyat rivojida ijtimoiy-ma'naviy qadriyatlarining ahamiyati. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
8. Nabiyev, M. (2020). Demokratik jamiyatda ijtimoiy-ma'naviy qadriyatlarning modernizatsiyalash jarayonlari. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
9. Nabiyev, M. (2020). Yuksak ma'naviyat–yengilmas kuch asarida globallashuv davrida milliy taraqqiyotni ta'minlashning usul va vositalar tahlili. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
10. Nabiyev, M. (2020). Globallashuv sharoitida ijtimoiy-ma'naviy qadriyatlarga asoslangan mafkuraviy tarbiyaning ahamiyati. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАР ФАНИНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Эргашев Ибодулла, Худайназаров Азаматжон Ўринбаевич

Ўзбекистон миллий университети

Abstract. *The article explores innovative technologies in the teaching of social and humanities, in particular, in teaching subjects for students specialty 'National Idea, Spirituality and Legal Education', including 'Globalization and ideological threats.' The prevention of ideological threats in the context of globalization is also being analyzed.*

Аннотация. *В статье исследуются инновационные технологии в преподавании социальных и гуманитарных наук, в частности, в преподавании предметов для студентов специальности «Национальная идея, духовность и правовое образование», в том числе «Глобализация и идеологические угрозы». Также анализируется предотвращение идеологических угроз в условиях глобализации.*

Аннотация. *Мақолада ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда хусусан, “Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши талабаларига*

166	Абсаттаров Б.. Ёшлар ахборот маданиятини юксалтиришда виртуал технологияларининг ўрни	465
167	Муртазаев М.З. Технология таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мутахассислик фанлари ўқув дастурларини ахборот технологиялари талаби асосида тузиш масалалари (3-йиллик олий таълим мисолида)	469
168	Хо'jayarova N.S. Ta'lim jarayonini modernizatsiyalashga qo'yiladigan talablar	472
169	Maxkamova D.V. Axborot texnologiyalaridan foydalanib melioratsiya va irrigatsiya tizimlarini rivojlantirish omillari	475
170	Буранова Ш. Применение информационно-коммуникационных технологий в образовательно-воспитательном процессе ДОО	476
171	Majidov J.M., Lutfullaev X.Sh. Ta'lim tizimida zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish imkoniyatlari	479
172	Эргашев Б.Б. Профессионал таълим битирувчиси салоҳиятини шакллантиришга кластерли ёндашув	481
173	Nabiyev M.J. Talaba-yoshlar aqliy tafakkurini axborot texnologiyalari vositasida oshirishning samarali usullari	484
174	Gulomov S.S., Ganiev E., Mustanov U., Ermatov V., Erkinov Sh. Structure of national class planning in improving the system of continuous education	488
175	Мажидов А.С. Тарих дарсларини замонавий инновацион технологиялар асосида ташкил этиш усуллари хусусида	492
176	Набиев М.Ж., Рахмонқулов С.Т. Миллий ғоя туркумига қирувчи фанларни ўқитиш ва тарғиб этишда инновацион ёндошув усуллари	495
177	Жумаев Ж.Б. Олий таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ахборот технологияларининг ўрни	499
178	Эргашев И., Худайназаров А.Ў. Глобаллашув ва ғоявий-мафқуравий таҳдидлар фанини ўқитишда ахборот технологиялардан фойдаланиш	502
179	Жиянов О.П., Йулдошев А.Х., Тошнӣёзов Ф.Ў. Замонавий инновацион таълим технологиялардан фойдаланиш – куннинг долзарб муаммоларидан биридир	505
180	Исахонов Ж. Ёшлар манфаатларини таъминлашда инновацион технологияларнинг ўрни	508
181	Аманов Ғ. Ақромов И. “Диншунослик” ва “Дунё динлари тарихи” фанларини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш	511
182	Karimova G. Jamiyat ijtimoiy taraqqiyotida innovatsion ta'lim texnologiyalarini joriy etishning ahamiyati	514
183	Юлдашев Ф.А. Ёшлар дунёқарашини юксалтириш жараёнида замонавий АКТ дан фойдаланишнинг муҳим жиҳатлари	516
184	Ҳамидова Б.М.Турдиев Н.Б. Ахборотлаштирилган таълим муҳитида бўлажак тарбиячиларни тайёрлашда инновацион методлардан фойдаланиш	519
185	Гулямов С.С. Хаитматов У.Т. Джуманиязов Ш.Р. Основные аспекты использования цифровых технологий в электронном образовании	520
186	Раджабова И.Р. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда интерфаол усулларидан фойдаланишнинг назарий асослари	524